



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 30 - dekabr

VI-28-71-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6121-Фармонининг 4-бандига мувофиқ, вилоят молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар қўллаш тўғрисида”ги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли қўшма хатида қуйидагилар:

ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Наманган вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 35,0 млн. сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 320,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар” миқдорларини белгилаш бўйича вилоят Молия бош бошқармасининг ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг қўшма таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Наманган вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда,

Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги (С.Султанов), вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) уч кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни шаҳар ва туманларга етказилишини таъминласин.

5. Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари бир ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, жорий йилнинг 1 декабрига қадар муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этсин.

6. Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ушбу қарорнинг 1 ва 2 иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиққан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

7. Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 2022 йил 1 январга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

8. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

Солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича кўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсин.

9. Вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) вилоят телерадиокомпанияси (М.Мақсудов), “Наманган ҳақиқати (А.Саттаров),

“Наманганская правда” (О.Инамов) газеталари таҳририятлари билан биргаликда ушбу қарор 1 ва 2-иловаларига мувофиқ солиқ ставкалари, солиқ солиш тартиб-таомиллари ҳамда бошқа масалага оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммаларига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Халқ депутатлари Наманган
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-28-71-6-0-К/21-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ
миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва
оширувчи коэффициентлар**

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўм)
1	Наманган шаҳар	1,30	45 500,0
2	Тўрақўрғон тумани	1,01	35 350,0
3	Янгиқўрғон тумани	1,01	35 350,0
4	Чуст тумани	1,005	35 175,0
5	Учқўрғон тумани	1,005	35 175,0
6	Поп тумани	1,005	35 175,0
7	Наманган тумани	1,005	35 175,0
8	Косонсой тумани	1,005	35 175,0
9	Мингбулоқ тумани	1,005	35 175,0
10	Норин тумани	1,0025	35 087,5
11	Уйчи тумани	1,0025	35 087,5
12	Чортоқ тумани	1,0025	35 087,5

Изоҳ: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Наманган
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-28-71-6-0-К/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ микдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўм)
1	Наманган шаҳар	1,30	416,0
2	Тўрақўрғон тумани	1,03	329,6
3	Янгиқўрғон тумани	1,03	329,6
4	Чуст тумани	1,02	326,4
5	Учқўрғон тумани	1,02	326,4
6	Поп тумани	1,02	326,4
7	Наманган тумани	1,02	326,4
8	Косонсой тумани	1,02	326,4
9	Мингбулоқ тумани	1,02	326,4
10	Норин тумани	1,01	323,2
11	Уйчи тумани	1,01	323,2
12	Чортоқ тумани	1,01	323,2

Изоҳ: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашилари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.